**“Uzbekistan Airports” АЖ раисининг**
**2022-йил 3 октябрдаги 548-сон буйруғига**
**ИЛОВА**

| **РУКОВОДСТВО**<br>**по организации обучения сотрудников АО «Uzbekistan Airports» и организаций, их территориальных и структурных подразделений в области этики и противодействия коррупции** | **“Uzbekistan Airports” АЖ ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича**<br>**ЙЎРИҚНОМА** |
|---|---|
| **Глава 1. Общие положения**<br>1. Настоящее Руководство устанавливает рекомендации и методические указания по организации обучения по вопросам этики и противодействия коррупции для сотрудников АО «Uzbekistan Airports» и организаций, их территориальных и структурных подразделений (далее – Организация).<br>2. Настоящее Руководство направлено на предупреждение и устранение причин коррупции, повышение правосознания сотрудников и воспитание их в духе неукоснительного соблюдения законодательства Республики Узбекистан и других внутренних документов Организации.<br>3. Программы и материалы по обучению сотрудников в области этики и противодействия коррупции (далее – Обучение) разрабатываются в соответствии с законодательством Республики Узбекистан и настоящим Руководством. | **1-боб. Умумий қоидалар**<br>1. Ушбу Йўриқнома “Uzbekistan Airports” АЖ ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари (кейинги ўринларда – Ташкилот) ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ўқитилишини ташкил қилиш бўйича тавсия ва қўлланмаларни белгилаб беради.<br>2. Ушбу Йўриқнома коррупциявий ҳаракатларнинг олдини олиш ва уларни содир қилишга хизмат қиладиган сабабларни бартараф этиш, ходимларнинг ҳуқуқий онгини ошириш ва уларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ташкилотнинг бошқа ички ҳужжатларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга қаратилган.<br>3. Ташкилот ходимларини этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитиш (кейинги ўринларда – Ўқитиш) дастурлари ва материаллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ушбу Йўриқномага мувофиқ ишлаб чиқилади. |
| **Глава 2. Основные принципы обучения**<br>4. Обучение сотрудников организации основывается на следующих принципах:<br>**объективность и научность** – области этики и противодействия коррупции, обеспечивают их соответствие требованиям законодательства Республики Узбекистан, международным стандартам и результатам исследований по теории и практике этики и противодействия коррупции;<br>**практичность** – Формы, методы и материалы обучения сотрудников организации должны иметь практическое значение, основанное на реальных ситуациях, а также контроль за уровнем понимания полученных сотрудниками знаний и их умением применять их при решении конкретных практических задач;<br>**последовательность и структура** – учебные материалы в области этики и противодействия коррупции, а также порядок обучения персонала Организации представляют собой | **2-боб. Ўқитишнинг асосий тамойиллари**<br>4. Ташкилот ходимларини ўқитиш қуйидаги тамойилларга асосланади:<br>**холислик ва илмийлик** – этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ўқув материалларни тайёрлаш учун масъул шахслар уларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари, халқаро стандартлар ҳамда этика ва коррупцияга қарши курашиш назарияси ва амалиётига доир илмий тадқиқотлар натижаларига мувофиқлигини таъминлайди;<br>**амалий жиҳатдан қулайлик** – Ташкилот ходимларини ўқитиш шакллари, усуллари ва материаллари амалий аҳамиятга эга бўлиши, реал вазиятларга асосланиши, шунингдек ходимлар томонидан олинган билимларни тушуниш даражаси ва уларни аниқ амалий вазифаларни ҳал этишда қўллаш имкониятини назорат қилинишини ўз ичига олиши лозим;<br>**кетма-кетлилик ва тизимлилик** – этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ўқув |

| | |
|---|---|
| непротиворечивую и структурно-логическую систему. Обучение строится на переходе от общих понятий и реалий к деталям, от простого к сложному, от начального к совершенному и т. д.;<br>**универсальность** – Обучение с учетом текущих знаний и навыков сотрудников Организации, формирование учебных материалов, понятных всем сотрудникам Организации;<br>**дифференцированный подход** – Антикоррупционное обучение в организации учитывает последствия коррупционных рисков в конкретных функциях и процедурах. Сотрудники, занимающие должности, наиболее подверженные коррупционным рискам, будут проходить дополнительное антикоррупционное обучение;<br>**Постоянное совершенствование методов и форм обучения** – Организация стремится использовать последние достижения технических и научных разработок при разработке и подготовке учебных материалов, а также при проверке усвоения знаний персоналом Организации. | материаллари, шунингдек Ташкилот ходимларини ўқитиш тартиби изчил ва тузилмавий-мантиқий тизимни ифодалайди. Ўқитиш умумий тушунчалар ва воқеликлардан жузъийларига, оддийдан мураккабга, бошланғичдан мукаммалга ва ҳ.к ўтиш асосида амалга оширилади;<br>**ҳаммабоплик** – Ўқитиш Ташкилот ходимларининг жорий билимлари ва кўникмаларини ҳисобга олиш, Ташкилотнинг барча ходимлари учун тушунарли бўлган ўқув материаллирини шакллантириш;<br>**дифференциаланган ёндашув** – Ташкилотда коррупцияга қарши ўқитиш аниқ функциялар ва тартиб-таомиллардаги коррупциявий хавф-хатар натижаларини ҳисобга олади. Коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган лавозимларни эгаллаб турган ходимлар коррупцияга қарши қўшимча равишда махсус ўқитилади;<br>**ўқитиш усуллари ва шаклларини доимий равишда такомиллаштириш** – Ташкилот ўқув материалларини ишлаб чиқиш, ўқитиш, шунингдек Ташкилот ходимлари томонидан билимлар ўзлаштирилганини текшириш вақтида техник ва илмий тараққиётнинг инновацион ютуқларидан фойдаланишга ҳаракат қилади. |
| **Глава 3. Приоритеты обучения**<br>5. При определении форм и методов обучения, а также при формировании учебных материалов в области этики и противодействия коррупции лица, ответственные за подготовку кадров в области этики и противодействия коррупции, должны ориентироваться на следующие приоритеты:<br>сформировать общее представление о природе коррупции, ее различных сферах общественной жизни, формах и специфике ее проявления в функциях и процедурах Организации, ее причинах, общественно опасных и вредных последствиях;<br>Формирование модели поведения на основе неукоснительного и безусловного соблюдения этических ценностей антикоррупционного поведения и иных внутренних документов Организации, определенных законодательством Республики Узбекистан, Антикоррупционной политикой организации;<br>Ознакомить персонал организации с принципами, требованиями и процедурами противодействия коррупции в Организации;<br>выявлять условия, способствующие возникновению коррупционных рисков и формировать умение их предотвращать, | **3-боб. Ўқитишнинг устувор вазифалари**<br>5. Ўқитиш шакллари ва усулларини аниқлашда, шунингдек этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ўқув материалларини шакллантиришда Ташкилот ходимларини этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитиш учун масъул шахслар қуйидаги устувор вазифаларга таяниши лозим:<br>коррупция моҳияти, унинг жамият ҳаётининг турли соҳалари, Ташкилотнинг функция ва тартиб-таомилларида пайдо бўлиш шакллари ва ўзига хос жиҳатлари, сабаблари, ижтимоий жиҳатдан хавфли ва зарарли оқибатлари тўғрисида умумий тасаввурни шакллантириш;<br>Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Ташкилотнинг Коррупцияга қарши кураш сиёсати билан белгиланган этика ва коррупцияга қарши хулқ-атворнинг аҳлоқий қадриятлари ва Ташкилотнинг бошқа ички ҳужжатларига қатъий ва сўзсиз риоя қилишга асосланган хулқ-атвор моделини шакллантириш;<br>Ташкилот ходимларини Ташкилотда амал қилувчи коррупцияга қарши кураш тамойиллари, талаблари ва тартиб-таомиллари билан таништириш;<br>коррупциявий хавф-хатарларни келиб чиқишига хизмат қилувчи шарт-шароитларни аниқлаш ва |

| | |
|---|---|
| проявлять нетерпимость к коррупционному поведению, нарушениям правил этического поведения Организации. | уларнинг олдини олиш қобилиятини шакллантириш, коррупциявий хулқ-атвор, Ташкилотнинг этик хулқ-атвор қоидалари бузилишига нисбатан тоқатсизликни намоён этиш. |
| **Глава 4. Ответственный за разработку и внедрение тренингов**<br>6. Департамент кадров Организации несет ответственность за подготовку планов обучения персонала Организации, разработку соответствующих учебных материалов, а также мониторинг и контроль такого обучения в Организации.<br>7. Антикоррупционная структура внутреннего контроля Организации (далее – Структура внутреннего контроля) участвует в подготовке планов обучения персонала организации, разрабатывает учебные материалы в области противодействия коррупции, координирует обучение.<br>8. Структура кадров организации курирует учебную дисциплину и сбор информации о ней.<br>9. Структура внутреннего контроля и кадровая структура организации могут привлекать третьих лиц для подготовки учебных материалов и проведения обучения на основании договоров с соответствующими международными или местными организациями (в порядке, установленном Организацией). | **4-боб. Ўқитишни ишлаб чиқиш ва ўтказишга масъул шахслар**<br>6. Ташкилотнинг Кадрлар тузилмалари Ташкилот ходимларини Ўқитиш режаларини тайёрлаш, тегишли ўқув материалларини ишлаб чиқиш, ўқитиш, шунингдек Ташкилотда бундай ўқитишни мониторинг ва назорат қилиш учун масъулдир.<br>7. Ташкилотнинг Коррупцияга қарши курашиш ички назорат тузилмаси (кейинги ўринларда – Ички назорат тузилмаси) Ташкилот ходимларини Ўқитиш режаларини тайёрлашда иштирок этади, коррупцияга қарши кураш соҳасидаги ўқув материалларни ишлаб чиқади, Ўқитиш ўтказилишини мувофиқлаштиради.<br>8. Ташкилотнинг Кадрлар тузилмалари Ўқитиш интизоми ва унга доир ахборотлар йиғилишини назорат қилади.<br>9. Ташкилот Ички назорат тузилмаси ва Кадрлар тузилмаси тегишли тажрибага эга халқаро ёки маҳаллий ташкилотлар билан тузилган шартномалар (Ташкилотда белгиланган тартибда) асосида ўқув материалларини тайёрлаш ҳамда Ўқитишни амалга ошириш учун учинчи шахсларни жалб қилиши мумкин. |
| **Глава 5. Виды и формы обучения**<br>10. Обучение должно включать следующие учебные программы:<br>общее антикоррупционное обучение для всех сотрудников;<br>Общее обучение правилам этического поведения сотрудников организации;<br>специальная антикоррупционная подготовка для должностей, наиболее подверженных коррупции;<br>Специальное антикоррупционное обучение для сотрудников, ответственных за функционирование и развитие антикоррупционной системы организации.<br>11. Общее антикоррупционное обучение и общее обучение правилам этического поведения сотрудников организационной системы являются обязательными для всех работников Организации.<br>12. Общее антикоррупционное обучение для всех сотрудников организации должно носить практический характер и давать возможность приобрести следующие знания: | **5-боб. Ўқитиш турлари ва шакллари**<br>10. Ўқитиш қуйидаги ўқув дастурларини кўзда тутиши лозим:<br>барча ходимлар учун коррупцияга қарши умумий ўқитиш;<br>Ташкилот ходимларининг этик хулқ-атвори қоидалари бўйича умумий ўқитиш;<br>коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар учун коррупцияга қарши махсус ўқитиш;<br>Ташкилотда коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ва ривожланиши учун масъул бўлган ходимлар учун коррупцияга қарши махсус ўқитиш.<br>11. Умумий коррупцияга қарши ўқитиш ва ташкилот тизими ходимларининг этик хулқ-атвори қоидалари бўйича умумий ўқитиш Ташкилотнинг барча ходимлари учун мажбурий ҳисобланади.<br>12. Ташкилотнинг барча ходимлари учун коррупцияга қарши умумий ўқитиш амалий йўналтирилган бўлиши ва қуйидаги янги билимларга эга бўлиш ёки мавжуд билимларни такрорлаш имкониятини яратиши лозим: |

Знание антикоррупционного законодательства Республики Узбекистан, антикоррупционных вопросов Организации, в том числе установленных запретов, ограничений, прав и обязанностей, требований к служебному поведению, внутренних документов Организации о последовательности действий при выявлении коррупционных действий;

знание правоприменительной практики в сфере противодействия коррупции, конфликта интересов и иных антикоррупционных требований;

навыки применения полученных знаний, в том числе умение оценивать коррупционные риски в различных сферах деятельности Организации, умение применять на практике антикоррупционные меры, установленные в Организации.

Темы, перечисленные в Приложении 1 к настоящему Руководству, рекомендуется использовать для включения в общие учебные материалы по противодействию коррупции.

13. Общее обучение сотрудников организации правилам этического поведения должно носить практический характер для всех сотрудников Организации и обеспечивать получение новых знаний или повторение имеющихся знаний о принципах и правилах этики, принятых в Организации.

14. Сотрудники организации должны проходить тесты, направленные на проверку степени усвоения и понимания материала в соответствии с результатами общего антикоррупционного обучения и Кодекса этики сотрудников Организации и умения применять полученные знания и навыки на практике.

15. Если сотрудники организации правильно ответят не менее чем на 80 процентов вопросов, они считаются успешно освоившими общую антикоррупционную подготовку и Кодекс этики сотрудников Организации. Если сотрудник правильно ответил менее чем на 80 процентов вопросов, он может сдать повторный тест в течение 5 рабочих дней со дня проведения теста.

16. Для должностей, наиболее подверженных коррупции, специальное антикоррупционное обучение проводится независимо (в дополнение) к общему антикоррупционному обучению.

17. Перечень должностей, наиболее подверженных коррупционным рискам, формируется в соответствии с методикой оценки коррупционных рисков в государственных

Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қонунчилиги, Ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш масалалари, жумладан ўрнатилган таъқиқлар, чекловлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар, хизмат хулқ-атворига қўйилган талаблар, Ташкилот ходимларининг коррупциявий ҳаракатлари аниқланганда ҳаракатлар кетма-кетлигига доир ички ҳужжатларини билиш;

коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва коррупцияга қарши бошқа талаблар соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётига доир билимлар;

олинган билимларни қўллаш кўникмалари, жумладан Ташкилотнинг турли фаолият соҳаларидаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш қобилияти, Ташкилотда ўрнатилган коррупцияга қарши кураш чораларини амалиётда қўллай билиш.

Коррупцияга қарши умумий ўқитиш материалларига киритиш учун мазкур Йўриқномага 1-иловада келтирилган мавзулардан фойдаланиш тавсия этилади.

13. Ташкилот ходимларининг этик хулқ-атвор қоидалари бўйича умумий ўқитиш Ташкилотнинг барча ходимлари учун амалий йўналтирилган бўлиши ва Ташкилотда қабул қилинган этика тамойиллари ва қоидаларига доир янги билимларга эга бўлиш ёки бор билимлар такрорланишини таъминлаши лозим.

14. Ташкилот ходимлари умумий коррупцияга қарши ўқитиш ва Ташкилот ходимларининг этик хулқ-атвори қоидалари натижалари бўйича ўрганилган материал қанчалик ўзлаштирилгани ва тушунилганлиги ҳамда олинган билим ва кўникмаларни амалиётда қўллаш имкониятини текширишга қаратилган тест синовлари топшириши лозим.

15. Ташкилот ходимлари саволларнинг камида 80 фоизига тўғри жавоб берган тақдирда коррупцияга қарши умумий ўқитиш ва Ташкилот ходимларининг этик хулқ-атвори қоидаларини муваффақиятли ўзлаштирган ҳисобланади. Агар ходим саволларнинг 80 фоизидан камига тўғри жавоб берган бўлса, у такрорий тест синовларини тест топширган кундан бошлаб 5 иш куни ичида топшириши мумкин.

16. Коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар учун махсус коррупцияга қарши ўқитиш коррупцияга қарши умумий ўқитишдан мустақил (қўшимча) равишда ўтказилади.

17. Коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхати Давлат органлари ва

| | |
|---|---|
| органах и организациях, их территориальных и структурных подразделениях.<br>18. Специальная антикоррупционная подготовка для должностей, наиболее подверженных риску коррупции, должна включать:<br>методы выявления и минимизации коррупционных рисков в отдельных функциях и процедурах, наиболее подверженных коррупционным рискам;<br>формы и виды коррупции в отдельных функциях и процедурах, наиболее подверженных коррупции;<br>антикоррупционные требования к конкретным функциям и процедурам, наиболее подверженным коррупционным рискам при взаимодействии с третьими лицами;<br>внутренние документы, содержащие дополнительные требования и процедуры, используемые для выполнения отдельных функций, наиболее подверженных коррупционному риску.<br>19. Привлечение специалистов по противодействию коррупции в форме проведения специальных антикоррупционных тренингов (семинаров, тренингов и т.п.) не реже одного раза в год для сотрудников, ответственных за функционирование и развитие системы противодействия коррупции в организации, а также уполномоченных третьих лиц, специализирующихся на таком обучении, путем участия в тренингах, организованных физическими лицами (организациями).<br>20. Специальная антикоррупционная подготовка сотрудников, ответственных за функционирование и развитие системы противодействия коррупции в организации, должна включать изучение международных методик.<br>21. Повышение квалификации и обучение, указанные в пункте 19 настоящего Руководства, должны включать не менее 10 (десяти) часов в год. | ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиётига мувофиқ шакллантирилади.<br>18. Коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар учун коррупцияга қарши махсус ўқитиш қуйидагилар тўғрисидаги маълумотни ўз ичига олиши лозим:<br>коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган аниқ функция ва тартиб-таомиллардаги коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва минималлаштириш усуллари;<br>коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган аниқ функция ва тартиб-таомиллардаги коррупциянинг намоён бўлиш шакллари ва турлари;<br>учинчи шахслар билан ўзаро алоқа қилишда коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган аниқ функция ва тартиб-таомилларга хос бўлган коррупцияга қарши талаблар;<br>коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган аниқ функцияларни амалга оширишда қўлланиладиган қўшимча талаб ва тартиб-таомилларни ўз ичига олувчи ички ҳужжатлар.<br>19. Ташкилотда коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ва ривожланиши учун масъул ходимларни коррупцияга қарши махсус ўқитиш йилига камида бир марта малака ошириш шаклида (семинар, тренинг ва бошқа) коррупцияга қарши кураш соҳасидаги экспертларни жалб қилиш, шунингдек бундай ўқитишларга ихтисослашган ваколатли учинчи шахслар (ташкилотлар) томонидан ташкил этиладиган тренингларда иштирок этиш орқали ўтказилади.<br>20. Ташкилотда коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ва ривожланиши учун масъул ходимларни коррупцияга қарши махсус ўқитиш Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш бўйича қонунчилигидаги ўзгаришлар, коррупцияга қарши тизимларни шакллантириш ва давлат органларида коррупциянинг олдини олиш тадбирларини амалга ошириш борасидаги илғор халқаро методикаларни ўрганишни ўз ичига олиши лозим.<br>21. Ушбу Йўриқноманинг 19 бандида кўрсатиб ўтилган малака ошириш ва тренинглардан ўтиш йилига камида 10 (ўн) соатни ўз ичига олиши лозим. |
| **Глава 6. Продолжительность и частота тренингов**<br>22. Обучение проводится в рамках обязательного обучения, предусмотренного | **6-боб. Ўқитиш муддатлари ва даврийлиги**<br>22. Ўқитиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Ташкилотнинг ички ҳужжатларида |

законодательством Республики Узбекистан и внутренними документами Организации, независимо от проведения совместных конференций, совещаний, симпозиумов с третьими лицами.

23. Персонал организации не реже одного раза в год проходит обучение по вопросам этики и противодействия коррупции.

24. Персонал организации проходит обучение по вопросам противодействия коррупции чаще одного раза в год в следующих случаях:

сотрудник занимает должность, наиболее подверженную коррупции;

при назначении и ротации, если новая должность лица включена в перечень должностей, наиболее подверженных коррупции;

При выявлении случаев коррупции в организации или при повышении уровня коррупционного риска выполняемой функции/процедуры;

В соответствии с решением руководителя организации.

25. Сотрудники, принятые на работу или переведенные в организацию, должны пройти обучение общим антикоррупционным и этическим нормам поведения сотрудников Организации в течение 30 дней с момента приема на работу или перевода на новую должность.

Утвержденный годовой график обучения в области этики и противодействия коррупции с определением даты обучения, наличия вакансий в группе (на очную форму обучения) и сроков обучения предусматривается пунктами 22-23 настоящей главы и учитывается необходимость соблюдения периодичности.

Последующее общее антикоррупционное обучение и общее обучение по Кодексу этики для сотрудников Организации устанавливается Отделом кадров для всех сотрудников не реже одного раза в год.

26. В случаях, когда сотрудник занимает должность, наиболее подверженную коррупции, или при назначении сотрудника на такую должность, проводится специальное антикоррупционное обучение в сроки, указанные в ежегодном графике обучения в области этики и противодействия коррупции.

27. Отдел кадров составляет годовой График обучения и представляют его на утверждение Руководителю Организации до 31 декабря.

Периоды предварительной подготовки

кўзда тутилган мажбурий малака ошириш доирасида ўқитиш, учинчи шахслар билан қўшма конференциялар, йиғилишлар, симпозиумлар ўтказилишидан қатъий назар амалга оширилади.

23. Ташкилот ходимлари этика ва коррупцияга қарши кураш соҳасида йилига камида бир марта ўқитилади.

24. Ташкилот ходимлари қуйидаги ҳолларда коррупцияга қарши курашиш бўйича йилига бир мартадан кўп ўқитилади:

ходим коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимни эгаллаб турган бўлса;

лавозимга тайинланганда ва ротация қилинганда, агар шахснинг янги лавозими коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхатига кирса;

Ташкилотда коррупциявий ҳаракатлар билан боғлиқ ҳолатлар аниқланганда ёки амалга оширилаётган функция/тартиб-таомилнинг коррупциявий хавф-хатар даражаси ортганда;

Ташкилот раҳбари қарорига мувофиқ.

25. Ташкилотга ишга қабул қилинган ёки янги лавозимга ўтказилган ходимлар ишга кирган ёки янги лавозимга ўтган вақтдан бошлаб 30 кун ичида коррупцияга қарши ва Ташкилот ходимларининг этика хулқ-атвори қоидалари бўйича умумий ўқитилиши шарт.

Ўқув санасини белгилашда этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитишнинг тасдиқланган йиллик жадвали, гуруҳда бўш ўринлар борлиги (кундузги ўқув шакли учун) ва мазкур Бобнинг 22-23 бандларида кўзда тутилган ўқитиш муддатлари ва даврийлигига амал қилиш зарурати ҳисобга олинади.

Кейинги коррупцияга қарши умумий ўқитиш ва Ташкилот ходимларининг этик хулқ-атвор қоидалари бўйича умумий ўқитиш барча ходимлар учун Кадрлар тузилмаси томонидан йилига бир мартадан кам бўлмаган даврийликда белгиланади.

26. Ходим коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимни эгаллаб тургани билан боғлиқ ҳолатларда ёки ходим шундай лавозимга тайинланганда махсус коррупцияга қарши ўқитиш этика ва коррупцияга қарши кураш соҳасида ўқитишнинг йиллик жадвалида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

27. Кадрлар тузилмалари ҳар йили Ўқитиш жадвалини тузади ва 31 декабргача уни Ташкилот раҳбарига тасдиқлаш учун тақдим этади.

Ўқитиш жадвалини тузишда ходимлар томонидан олдинги ўқитиш муддатлари ҳисобга олинади.

| | |
|---|---|
| персоналам учитываются при составлении расписания.<br>График обучения должен включать наименование и дату курса обучения, а также должности, закрепленные за обучением.<br>Согласно утвержденному графику, ответственный персонал Отдела кадров уведомляет персонал за 10 рабочих дней до начала обучения. При отсутствии возможности обучения в указанный срок (на очную форму обучения, например, в связи с высокой сезонной нагрузкой, больничным, плановым отпуском) сотрудник должен перенести обучение не позднее 5 (пяти) рабочих дней, уведомить Отдел кадров, чтобы перенести обучение на подходящую дату. | Ўқитиш жадвалида албатта ўқитиш курси номи, санаси, шунингдек ўқитиш тайинланган лавозимлар кўрсатилади.<br>Тасдиқланган жадвалга мувофиқ Кадрлар тузилмасининг масъул ходимлари ўқитиш бошланишидан 10 иш кун олдин ходимларни хабардор қилади. Белгиланган муддатда ўқиш имконияти бўлмаса (кундузги ўқув шакли учун, масалан юқори мавсумий юклама, касаллик варақаси, режалаштирилган таътил сингари асосли сабаблар), ходим ўқиш бошланишидан 5 (беш) иш кунидан кечиктирмай ўқишни бошқа санага кўчириш мақсадида Кадрлар тузилмасини огоҳлантириб қўйиши лозим. |
| **Глава 7. Контроль за дисциплиной преподавания и ведением журнала**<br>28. Отдел кадров собирает информацию об обучении персонала Организации в области этики и противодействия коррупции и ежеквартально представляет ее в Структуру внутреннего контроля Организации.<br>Структура внутреннего контроля организации анализирует полученные данные (включая дисциплину обучения, трудные для сотрудников темы и контрольные вопросы) и результаты анализа включают в регулярные отчеты о внедрении и развитии системы противодействия коррупции, а также обеспечивает корректировку учебных материалов (при необходимости).<br>29. В случае непрохождения сотрудником обучения или результатов назначенных ему испытаний в установленный срок начальник отдела кадров уведомляет об этом руководителя такого сотрудника для принятия в отношении него соответствующего решения.<br>30. График обучения, бланки, результаты тестирования, иные документы, подтверждающие обучение сотрудника, хранятся в Отделе кадров. | **7-боб. Ўқитиш интизомини назорат қилиш ва ҳужжатларни сақлаш**<br>28. Кадрлар тузилмаси Ташкилот ходимларининг этика ва коррупцияга қарши кураш соҳасида ўқитилишига доир маълумотларни йиғиб боради ва уларни ҳар чоракда Ташкилотнинг Ички назорат тузилмасига тақдим этади.<br>Ташкилотнинг Ички назорат тузилмаси олинган маълумотларни таҳлил қилади (жумладан, ўқув интизоми, ходимлар учун қийинчилик туғдираётган мавзулар ва тест саволлари) ва таҳлил натижаларини коррупцияга қарши тизимнинг амал қилиши ва ривожланиши масалалари бўйича доимий ҳисоботларга киритилишини, шунингдек ўқув материаллари корректировка қилинишини (зарурат туғилганда) таъминлайди.<br>29. Ходим унга тайинланган ўқув ёки унинг натижалари бўйича тест синовларини белгиланган муддатларда ўтмаса, Кадрлар тузилмаси раҳбари бундай ходимнинг раҳбарини унга нисбатан тегишли қарор қабул қилиш мақсадида огоҳлантиради.<br>30. Ўқитиш жадвали, йўқлама варақалари, тест натижалари, ходим ўқиганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар Кадрлар тузилмасида сақланади. |
| **Глава 8. Заключительные положения**<br>31. Настоящее Руководство подлежит пересмотру в случае изменения законодательства Республики Узбекистан и внутренних документов Организации в случае изменения передовой международной практики в области антикоррупционного просвещения. Структура внутреннего контроля организации несет ответственность за внесение изменений в настоящее Руководство.<br>32. Сотрудник организации несет | **8-боб. Якуний қоидалар**<br>31. Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Ташкилотнинг ички ҳужжатларидаги ўзгаришлар киритилганда, коррупцияга қарши ўқитишни ташкил этиш соҳасидаги илғор халқаро амалиёт ўзгарган тақдирда қайта кўриб чиқилади. Ташкилотнинг Ички назорат тузилмаси мазкур Йўриқномага ўзгартириш киритиш учун жавобгар ҳисобланади.<br>32. Ташкилот ходими эгаллаб турган лавозими, иш стажи, мавқеи ва бошқа омиллардан қатъий |

| | |
|---|---|
| персональную ответственность за соблюдение принципов и требований настоящего Руководства независимо от занимаемой должности, стажа работы и других факторов. | назар мазкур Йўриқноманинг тамойиллари ва талабларига риоя қилиш учун шахсан жавобгар ҳисобланади |

**Этика ва коррупцияга**
**қарши курашиш соҳасида**
**ўқитилишини ташкил қилиш**
**бўйича йўриқномага**
**ИЛОВА**

**Ташкилот тизими ходимларини коррупцияга**
**қарши курашиш умумий ўқитишнинг**
**ТАХМИНИЙ МАВЗУЛАРИ**

| Мавзу | Компонентлар |
|---|---|
| Коррупциянинг табиати | Коррупция тушунчаси, унинг шакллари ва сабаблари;<br>Коррупциянинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса сифатидаги мазмуни;<br>Жамиятда коррупцияга муносабат. |
| Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари | Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик;<br>Ташкилотда коррупцияга қарши курашишга доир ички ҳужжатлар;<br>Коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро амалиёт. |
| Ташкилотда коррупцияга қарши курашиш усуллари | Ташкилотдаги коррупцияга қарши курашиш тизими элементлари, шунингдек муҳим чора-тадбирлар шарҳи;<br>Ташкилотдаги манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, аниқлаш ва тартибга солиш;<br>Ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати;<br>Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ходимлар ва таркибий бўлинмаларнинг мажбурият ва ваколатлари;<br>Маъмурий тартиб-таомиллар ва регламентлардан фойдаланиш. Маъмурий тўсиқ ва бюрократизмни бартараф этиш;<br>Коррупциявий ҳаракатлар/уларни содир этиш хавфи юзага келган вақтдаги ҳаракатлар;<br>Коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида хабар бериш (хабарларни узатиш каналлари, хабарлар мазмунига доир Йўриқнома, хабарларни кўриб чиқиш тамойиллари). |
| Коррупциявий хавф-хатарлар ва типик коррупциявий ҳаракатлар | Ташкилотдаи хавф-хатарлар ва коррупциявий ҳаракатларнинг асосий турлари;<br>Назорат-рухсат бериш функциялари ва тартиб-таомиллари доирасидаги коррупциявий хавф-хатарлар;<br>Совғалар ва ишбилармонлик меҳмондўстлиги белгилари бериш/олишдаги коррупциявий хавф-хатарлар;<br>Фуқаролар, контрагентлар ва учинчи шахслар билан ўзаро алоқалар билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;<br>Ходимларни Ташкилотга танлаб олиш ва ишга қабул қилишдаги коррупциявий хавф-хатарлар;<br>Харидларни амалга ошириш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;<br>Турли хизмат турлари, функциялар учун лицензия |

| Мавзу | Компонентлар |
|---|---|
| | бериш, шунингдек лицензия битимлари талаблари ва шартларини бажариш устидан назорат билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;<br>Биноларни ижарага бериш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;<br>Ўзаро ҳамкорлик ва тасарруфий ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;<br>Танловлар билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;<br>Турли ҳужжат турлари экспертизасини ўтказиш, шунингдек улар ижросини назорат қилиш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;<br>Давлат назоратини амалга ошириш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;<br>Ташкилот фаолиятидаги бошқа хавф-хатарлар. |
| Коррупциявий ҳаракатлар учун жавобгарлик | Коррупциявий ҳаракатлар учун интизомий жавобгарлик;<br>Коррупциявий харакатлар учун жиноий жавобгарлик;<br>Ўзбекистон Республикасининг коррупциявий ҳаракатларга доир ишлари бўйича суд амалиёти шарҳи. |
| Коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти роли | Жамоатчилик назорати коррупцияга қарши курашиш воситаси сифатида;<br>Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш;<br>Коррупцияга қарши жамоатчилик фикри ва хулқ-атворини шакллантириш;<br>Фуқаролик жамияти институтларининг Ташкилот билан ўзаро ҳамкорлиги. |